

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КУЙМАКОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
йўналиши**

**“КУЙМАКОРЛИКДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КУЙМАКОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
йўналиши**

**“КУЙМАКОРЛИКДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: проф. Расулов С.А., катта.ўқит. Сайдходжаева Ш.Н

Тақризчи: ТДТУ, “Куймакорлик технологиялари” кафедра т.ф.н.
доценти Халимжонов Т.С.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

<u>I. Ишчи дастур</u>	5
<u>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари</u>	9
<u>III. Назарий машғулот материаллари</u>	14
<u>IV. Амалий машғулот материаллари</u>	28
<u>V. Кейслар банки</u>	40
<u>VI.Глоссарий</u>	43
<u>VII. Адабиётлар рўйхати</u>	49

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда рангли металургиянинг технологик жараёнлари, рангли металларни қайта ишлаш жараёнлари, уларнинг усуслари ва технологиялари дастгоҳлари ҳозирги кундаги муаммолари ҳамда истиқболли жараёнлари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: Куймакорикда янги технологик жараёнларини ҳамда самарали технологияларини, қайта ишлашнинг истиқболли ечимлари каби манбаларни ўргатишдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

Бугунги кун талабларига мос ҳолда, қўймакорлик технологияларини қўллаган ҳолда сифатли қўйма маҳсулот олиш сифатини таъминлаш мақсадида олдинги ва ҳозирги технологияларни таққослаш; қўймакорлик ишлаб чиқаришни лойиҳалаш ва ҳисоблашнинг услубий принципларига қаратилган технологик жараёнларни танлаш; қўймакорликда сўнги жараёнларни ва термик

ишлоў беришни қўймани аниқлигига таъсири жараёнларининг самарадорлигини аниқлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Кўймакорликда янги технологиялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ривожланган хорижий давлатларда ва республикада қўймакорлик технологияларини замонавий аҳволи ва истиқболлари;
- қўймакорликда янги технологиялар ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган талаблари;
- қўймакорликда корхоналарида ҳосил бўладиган чиқиндиларни атроф-муҳитга таъсири **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- юпқа деворли, мураккаб шаклдаги ёки катта ўлчамли қўймаларни нуқсонсиз тайёрлаш технологик схемаларини тузиш;
- қўйма детал деворларининг кристалланиш шароити турлича бўлганлиги синфларага ва турларга ажратиш;
- ишлаб чиқаришни арzonлаштириш ва аниқлигини ошириш учун имкон борича қўйманинг шаклини соддалаштириш жараёнларни танлаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- қумли қолипларда тайёрланган қўйманинг геометрик ўлчами аниқлиги,
- сирт ғадир-будирлиги кўп холатларда замонавий техник талабларни қўйишнинг маҳсус усуслари; қобиқ қолипларга қўйиш,
- эрийдиган моделлар бўйича, босим остида қўйиш,
- марказдан қочма ва бошқа қўйиш усусларини автоматлаштирувчи технологияларни ишлаб чиқиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Кўймакорликда янги технологиялар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усусларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Кўймакорликда янги технологиялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Машинасозликда қўйма маҳсулотларни олиш технологяси” ва “Машинасозликда сифатли котишмаларни суюклантириш технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг рангли металлургия бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар рангли металлургияда истиқболли йўналиш ва технологияларга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	кўчма машғулот	маннфулот		
1.	Кўймакорлик ишлаб чиқаришнинг назарий асослари	6	6	2	2	2			
2.	Кўйма деталларни лойиҳалаш	6	6	2	2	2			
3.	Кўймаларни маҳсус қўйиш усулида тайёрлаш	2	2			2			
	Жами:	14	14	4	6	4			

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Қўймакорлик ишлаб чиқаришнинг назарий асослари

Кўйма қотишмаларнинг оқувчанлиги. Кўйма қотишмаларнинг киришиши. Кўймалардаги дарзлар. Кўймалардаги газли раковиналар ва ғоваклар.

2-мавзу. Қўйма деталларни лойиҳалаш

Кўйма заготовкаларнинг девор қалинлиги ва қўйма мустаҳкамлиги. Кўйма заготовкаларни шакллантириш. Ўсимталарни йўқотиш. Кўйма

заготовкаларнинг ажралишини соддалаштириш. Очиқ қуймалар. Стержен қўллаб тайёрланадиган қуймалар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: қолип кумлари ва гилларини маркаларини аниқлаш.

Қолип кумларини ва гилларини янги ГОСТ бўйича маркаларини аниқлаш.

2-амалий машғулот: қолип гилларини ва боғловчиларини аниқлаш.

Қўймакорликда қолиплаш учун қолип гиллари билан танишиб чиқиш хамда уларни боғловчи моддаларининг турларини аниқлаш.

3-амалий машғулот: суюқ металлни тайёрлаб олиш ва қолипга қўйиш

Индуксион печида материалларни суюқлантиришда шихтани кимевий таркибини аниқроқ; хисоблаш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-мавзу: Кўймакорлик ишлаб чиқаришнинг назарий асослари

2-мавзу: Кўйма деталларни лойиҳалаш

Кўчма машғулот А.Ж.Агрегат заводининг “Кўйиш” цехида ўтказилиши режалаштирилган. Тингловчилар цехда янги техника ва технологиялар билан танишади ва мавзу бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зараплари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Мавзуга қўлланилиши:

Куймакорлик печлар

Вангранка печи		Ёй печи		Индукцион печи	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Мавзуга қўлланилиш:

Фикр: “Кўймакорлик технологиясида энг самарали усул бу Индукцион печида суюқлантириш жараёнидир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


«Венн диаграмма» методи

«Венн диаграмма» методи- ўрганилаётган объектларнинг 2 ёки 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Венн диаграммани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурӯхларда Венн диаграммани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни тўлдирадилар.

“Венн диаграмма” методи тингловчиларда ўрганилаётган объектларнинг ўзига хос ва ўхша什 жиҳатларини таҳлил қилиш малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

“Венн диаграмма” методидан назарий машғулотларда, амалий, семинар ҳамда лаборатория машғулотларида кенг фойдаланиш имконияти мажуд. Ушбу методдан машғулотда фойдаланилганда мавзуни тушунтириш асон бўлади ҳамда таълим олувчиларнинг мавзуга бўлган қизиқиши юқори даражада бўлади ва мавзу тушунтирилаётганда фаол иштирокчига айланади.



- 1) Ўрганилаётган “A” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 2) Ўрганилаётган “B” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 3) Ўрганилаётган “C” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 4) Ўрганилаётган “A” ва “B” объектларнинг ўхша什 жиҳатлари;
- 5) Ўрганилаётган “A” ва “C” объектларнинг ўхша什 жиҳатлари;
- 6) Ўрганилаётган “C” ва “B” объектларнинг ўхша什 жиҳатлари;
- 7) Ўрганилаётган “A”, “B” ва “C” объектларнинг ўхша什 жиҳатлари.

«Венн» диаграммаси - 2 ёки 3 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади. У талабаларда таққослаш, таҳлил қилиш, гурухлаш малакаларини шакллантиради.

1-босқич

Тингловчилар ушбу диаграммани тузиш қоидалари билан таништирилади

2-босқич

Якка, жуфтликда ёки кичик гурухларда диаграмма асосида таққослаш фаолияти ташкил этилади

3-босқич

Үхшаш ва фарқли хусусиятлар диаграммага ёки жадвалга туширилали.

4-босқич

Фаолият натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади


«Венн» диаграмма» методининг таркибий тузилмаси

Мавзуга қўлланилиши:

Тингловчиларни гурухларга ажратиш ва вазифалар бериш.

Гурухларга бериладиган вазифа: муаллақ эритиш ва ваннада эритиш жараёнларнинг ўзига хос томонлари ва умумий томонларини топиш.

Вазифаларни бажариш учун ватман, маркерлар берилади. Вазифалар бажарилиб бўлганидан кейин тақдимот амалга оширилади.



«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, муроқот маданияти, коммуникатив кўнимкамларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йигилишини таъминлайди. Бутун ўқув групахи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро групхарга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- Ҳар бир групхада умумий муаммонинг бир жихати ҳал этилади.

Ақлий ҳужум учун тингловчиларга бериладиган саволлар:

1. Металл ишлаб чиқариш соҳавий тенденциялар
2. Чўянни суюқлантириш усулларини айтинг.
3. Электро пеъ жараёнинг кечиши.
4. Пўлатларни тозалаш.
5. Қўймакорлик усулларни қўллаб чўян эритиш усулларини айтинг.

III. Назарий материаллар мазмуни

1- мавзу. Қуймакорлик ишлаб чиқаришнинг назарий асослари

Режа:

- 1.Куйма қотишмаларнинг оқувчанлиги.
- 2.Куйма қотишмаларнинг киришиши.
- 3.Куймалардаги дарзлар.
- 4.Куймалардаги газли раковиналар ва ғоваклар.

Таянч сўз ва иборалар

Куймалар, қуюловчанлик, суюқ ҳолатдаги оқувчанлиги, газли раковиналар, ғовак, эвтектик қотишмалар, чизиқли ва ҳажмий киришиши

1. 1. Қуймакорлик қотишмаларининг суюқ ҳолатдаги оқувчанлиги.


Оқувчанлик – метал ва қотишмаларнинг эритилган ҳолатдаги қолипнинг каналлари бўйича оқиш, уни тўлдириш ва қуйма контурини аниқ эгаллай олиш хоссасидир.

Қуймакорлик қотишмаларининг оқувчанлик криссталаниш температураси интервали, эритманинг қовушқоқлик ва сирт таранглиги, қуйиш ва шакл температураси, қолип хоссаси ва бошқаларга боғлик.

Ўзгармас температурада қотадиган (эвтектик қотишмалар) тоза металл ва қотишмалар интервалли температурада қаттиқ қотишма ҳосил қиласидиган қотишмаларга нисбатан юқори оқувчанлик хоссасига эга бўлади. Қотишманинг қовушқоқлиги юқори бўлса, унинг оқувчанлиги паст бўлади. Сирт таранглиги ортиши билан оқувчанлик камайиб боради.

Эритилган металлнинг қуйиш температурасини ортиши билан оқувчанлик ҳам яхшиланади. Қолип материалининг иссиқлик ўтказувчанлигини ортиши оқувчанликни камайтиради. Масалан, қумдан тайёрланган қолип иссиқлик секин ўтказади ва эритилган метал қолипни яхши тўлдиради. Металдан тайёрланган қолип эритмани тез совитганлиги

учун қолипни яхши тўлдирмайди. Қуймакорлик қотишмаларнинг оқувчанлигини маҳсус технологик намунага (2.1-расм) қуйиш орқали аниқланади. Эритилган металл тешиги графитли тиқин ёрдамида беркитилган чашкага қуйилади. Тиқинни кўтариб аввал метал зумифга қуйилади, кейин эса бир текисда спирални тўлдиради. Оқувчанликнинг ўлчов бирлиги сифатида спиралнинг тўлган қисмини узунлиги, миллиметр ҳисобида, қабул қилинади. Энг катта қийматга эса магний қотишмалари эга бўлади.



1.1-расм. Оқувчанлик аниқлаш учун спиралли намуна (а) ва қўйма шакл (б): 1,2- пастки ва юқориги ярим шакллар; 3-қўйиш чашкаси, 4-графитли тиқин

1.2. Қўймакорлик қотишмаларининг киришиши

Қўймакорлик қотишмаларининг қотиши ва совиши натижасида ҳажмининг кичрайиш хоссасини **киришиши** дейилади. Қўймаларда киришиш жараёни эритилган метални қолипга қўйиш жараёнидан бошлаб қўймани тўлиқ совишигача давом этади.

Нисбий бирликларда ифодаланадиган чизиқли ва ҳажмий киришиш мавжуддир.

Чизиқли киришиши эриган металнинг босимига бардош бера оладиган мустаҳкам пўстлоқ ҳосил бўладиган температурадан атроф-муҳит температурасигача совиши натижасида қўйманинг чизиқли кичрайиши. Чизиқли киришишни қўйидаги нисбат орқали аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{чиз}} = (l_{\text{шакл}} - l_{\text{куй}}) \cdot 100 / l, \%$$

бу ерда $l_{\text{шакл}}$ ва $l_{\text{куй}}$ -қолип бўшлиғи ва қўйманинг 200С даги ўлчамлари.

Чизиқли киришишга қотишманинг кимёвий таркиби, унинг қўйишдаги температураси, қолипдаги совиши тезлиги, қўйманинг ва қолипнинг конструкцияси таъсир қилади. Масалан, кул ранг чўян таркибидаги углерод ва кремнийнинг ортиши киришишни камайтиради. Алюминий қотишмаларининг таркибидаги кремнийнинг ортиши киришиш даражасини камайтиради, қўйманинг чўкиши эса қўйиш температурасининг пасайиши ҳисобига камаяди. Қолипга қўйилган қотишмадан иссиқликнинг чиқиши тезлигини ошириш қўйманинг киришишини ортишига олиб келади.

Қўймани совитишда киришишнинг механик ва термик тормозланиши рўй беради.

Механик тормозланиш қўйма ва қолип ўртасида ишқаланиш натижасида ҳосил бўлади.

Термик тормозланиш қўйманинг алоҳида қисмларининг турли тезликда совиши натижасида рўй беради. Мураккаб шаклдаги қотишмаларда механик ва термик тормозланиш биргаликда ҳосил бўлади.

Кул ранг чўяннинг чизиқли киришиши 0,9-1,3 % ни, углеродли пўлат-2-2,4 % ни, алюминий қотишмалари-0,9-1,5 % ни, мисс қотишмалари-1,4-2,3 % ни ташкил қиласди.

Ҳажмий киришиши - қўйма шаклланиши жараёнида қотишманинг совиши натижасида қолипда қўйманинг ҳажимининг кичрайишидир. Ҳажмий киришиши қўйидаги нисбат орқали аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{хажм}} = (V_{\text{шакл}} - V_{\text{куй}}) \cdot 100 / V_{\text{куй}}, \%$$

бу ерда $V_{\text{шакл}}$ ва $V_{\text{куй}}$ -қолип бўшлиғининг ва қўйманинг 20С0 даги ҳажмлари.

Ҳажмий киришиши чизиқли киришишнинг учланганлигига тенг:


$$\mathcal{E}_{\text{хажм}} = 3 \mathcal{E}_{\text{чиз}}$$

Киришишлар қўймаларда киришиш раковиналари, ғоваклик, дарзлик ва қийшайиш (коробление) кўринишларида учрайди.

Киришиш раковиналари қўйманинг энг сўнгги қотадиган жойларидағи нисбатан катта бўшлиқдир (2.2-расм, а). Аввал қолип девори олдида қаттиқ металнинг қатлами 1 ҳосил бўлади. Бунинг натижасида, яъни эритманинг киришиши суюқ холатдан қаттиқ холатга ўтишда қатлам киришишидан ортади, қўйманинг қотмаган қисмидаги металл сатҳи а-а сатҳга пасаяди. Вақтнинг кейинги моментларида қатлам 1 да янги қаттиқ қатлам 2 ўсиб чиқади ва суюқлик сатҳи б-б сатҳга янада пасаяди. Қотиш жараёни тугамагунча ушбу холат давом этади. Эритманинг қотишмадаги сатхининг пасайиши жамланган киришиши раковинаси 3 нинг ҳосил бўлишига олиб келади. Жамланган киришиш раковиналари тоза металлар, эвтетик таркибли қотишмалар (АЛ2 қотишмалар) ва кристалланишнинг тор интервалига эга бўлган қотишмаларнинг қўймаларини олишда ҳосил бўлади (кам углеродли пўлат, қалайсиз бронза ва бошқалар).

Киришиши ғоваклиги -эритилган металнинг қотиши жараёнида металнинг киришишида қўшимча эритилган металнинг етиб бормаслигидан ҳосил бўладиган бўшлиқ (2.2-расм, б). Солидус температураси яқинида кристаллар бир-биридан қўпаяди. Бу эса ўз навбатида суюқ фаза 3 нинг қолдиги сифатида уячалар 2 нинг ёйилишига олиб келади.

Бундай уячаларда унча катта ҳажмга эга бўлмаган металнинг қўшни уячаларидан озиқланадиган эритманинг етиб бормаслигидан қотишига олиб келади. Ҳар бир ячейкадаги металнинг киришиши натижасида унча каттта бўлмаган киришиш раковиналари 1 ҳосил бўлади. Кўплаб шундай доналараро микро киришишли раковинлар металл доналарнинг чегараси бўйича жойлашган ғовакликни ҳосил қиласди.




1.2-расм. Киришиш раковиналари (а) ва ғоваклиги (б) хосил бўлишининг схемаси

Киришиш раковинасиз ва ғоваксиз қўйма олишнинг имкони суюлтирилган метални кристалланиш жараёнидан бошлаб қуймани то тўлик қотишига қадар узлуксиз равишда қолипга юбориш ҳисобига эришиш мумкин. Шу мақсадда қуймада суюлтирилган металл учун *прибил-резервуарлар* ўрнатилади. Улар қуйманинг энг охири қотадиган жойларини эритилган металл билан таъминлашга имкон беради. 2.3-расм, а да кўрсталигандан прибил 1 қуйманинг йўғонлашган жойи 3 га эритилган металнинг етиб боришини таъминлай олмайди.

Ушбу жойда киришиш раковинаси 2 ва ғоваклик ҳосил бўлади. Қуйманинг йўғонлашган жойига прибиллар 4 ни (2.3-расм, б) ўрнатилиш киришиш раковинаси ва ғовакликни ҳосил бўлишининг олдини олади.

Қўймаларда киришиш раковинаси ва ғовакликларни ҳосил бўлишининг олдини оилишга қолипларга ташқи совитгичлар 5 (2.3-расм, в) ёки ички совитгичлар 6 ни (2.3-расм, г) ўрнатиш имконини яратади. Ушбу совитгичлар қуйманинг қотишмасидан тайёрланади.

Қолипни тўлдиришда ички совитгичлар қисман эритилади ва асосий металл билан аралаштирилади.



1.3-расм. Құймалардаги киришиш раковиналарини ғовакликларини ҳосил бўлишининг олдини олиш усуллари

1.3. Құймаларда учрайдиган дарзлар

Құймаларда юпқа ва қолип деворларининг нотекис қотиши хамда құйманинг совиши жараёнида шакл киришишининг тормозланиши натижасида ички кучланиш пайдо бўлади.

Ушбу кучланиш қанча катта бўлса қолип ва стерженларнинг мойиллиги шунча кичик бўлади. Агар құйманинг бирор бир жойидаги мустаҳкамлик чегарасидан қуйма қотишмасининг ички кучланиш ортиб кетса құйманинг танасида совуқ ва иссиқ дарзлар ҳосил бўлади.

Иссиқ дарзлар құймаларда солидус температурасига яқин температурада суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтишда металнинг кристалланиши ва киришиши жараёнида ҳосил бўлади. Иссиқ дарзлар кристалл чегаралар бўйлаб ўтади ва оксидланган сиртдан иборат бўлади.

Қотишмаларнинг иссиқ дарзлар ҳосил қилишига мойиллигини унинг таркибидаги қўшимчалар, газлар (водород, кислород), олтингугурт ва бошқа қўшимчалар ортиради. Бундан ташқари иссиқ дарзларнинг ҳосил бўлишига құйманинг юпқа қисмидан бирданига қалин қисмга ўтиши, ўткир бурчаклар, бўртган қисми ва бошқалар ҳам сабаб бўлади.

Иссиқ дарзлар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун қўймада майда донали структура ҳосил бўлишига шароит яратиш зарур, құйманинг юпқа ва қалин деворларининг бир вақтда совишини таъминлаш керак; қуйма шаклнинг берилувчанлиги ортириш; имкон борича қотишманинг қўйиш температурасини камайтириш ва бошқа чора-тадбирлар қўриш зарур.

Совуқ дарзлар эритма тўлиқ қотганда деформацияланиш соҳасида ҳосил бўлади. Құйманинг юпқа қисми қалин қисмiga нисбатан тез совийди ва тез қисқаради. Натижада қўймада кучланиш ҳосил бўлади ва у дарзларнинг пайдо бўлишига таъсир қиласи. Совуқ дарзлар кўпинча мураккаб шаклли юпқа деворли қўймаларда ҳосил бўлади. Қотишмада заарли қўшимчаларнинг (масалан, пўлатда фосфор) бўлиши қўймада совуқ дарзларнинг ҳосил бўлиш ҳавфини кучайтиради. Совуқ дарзлар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун қўймани барча кесимлари бўйича текис совишини таъминлаш мақсадида совиткичлардан фойдаланиш зарур; қуйма олиш учун юқори пластик

қотишмаларни қўллаш керак; қотишмаларни қиздириш (отжиг) зарур ва шу каби бошқа усулларни қўллаш мумкин.

Қўйманинг совиши натижасида ҳосил бўладиган ички кучланиш таъсирида шакл ва ўлчамнинг ўзгариши **қийшайиши** деб аталади. Қийшайиши қўйманинг шаклини мураккаблаштириш ва совиш тезлигини оширишдан катталашади. Қўймада қийшайиши ҳосил бўлишини олдини олишга қолипнинг мойиллигини ошириш, қўйманинг рационал конструкциясини яратиш ва бошқалар орқали эришиш мумкин.

1.4. Қўймалардаги газли раковиналар ва ғоваклар

Металл ва қотишмалар эриган ҳолатда шихта материалининг намлигидаги, ёнилғининг ёнишидан, атроф-муҳитдан, қолипга метални қўйишда кўп микдорда водород, кислород, азот ва оксидлардан бошқа газларни актив равища ютиш қобилиятига эга.

Суюқ металл ва қотишмаларда газларнинг эриши температурасини кўтарилиши билан ортади. Қотишмада газларнинг меъёридан ортиб кетиши натижасида улар эритмадан газли пуфакчалар кўринишида ажралиб чиқади. Газли пуфакчалар қўйма сиртга сузиб чиқиши ёки қўймада қолиб газли раковиналар, ғоваклик ҳосил қиласи. Эритилган метални қўйишда оқаётган металл қўйиш тизимида ҳавони қўйиш тизими каналнинг газ ўтказувчи деворлар орқали сўриб олиши мумкин. Бундан ташқари қолип аралашмаси таркибидаги намликнинг буғланиши металл сиртида кимёвий реакциялар натижасида газ металл таркибида кириб бориши мумкин. Қўйида газли раковиналар ва ғовакликни камайтириш учун эритишини яхши қуритилган шихта материалларидан фойдаланиб, газдан сақлаш муҳитида, флюс қатлами остида олиб бориш зарур. Бундан ташқари эритилган метални қўйишдан аввал вакуумли дегазациялаш, инертли газлар ёрдамида пудаш ва бошқа усуллар ҳамда қолип ва стержен қолипларининг газ ўтказувчанилиги ошириш, қолип аралашмасининг намлигини камайтириш, қолипни қуритиш ва бошқалар қўллаш мумкин.

Ўз - ўзини назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар

1. Оқувчанлик нимани билдиради?
2. Киришиш деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай турлари мавжуд?
3. Чизиқли киришишни қандай аниқланади?
4. Ташқи совуткич деганда нимани тушунасиз?
5. Ички совуткичлар қандай ўрнатилади?

Адабиётлар руйхати

1. Расулов С.А. Грачев В.А. Қўймакорлик металлургияси, Тошкент, “Ўқитувчи”, 2004. 250 с.
2. Rasulov S.A., Turaxodjaev N.D. Metallurgiyada quyish texnologiyasi - Toshkent, “Cholpon”, 2007. 230 с

3. Непрерывное литье алюминиевых сплавов: справ. / В. И. Напалков, Г. В. Черепок, С. В. Махов, Ю. М. Черновол. - М. : Интермет Инжиринг, 2005. - 512 с.

4. Трухов, А. П. Литейные сплавы и плавка : учеб.для студентов высш. учеб. заведений / А. П. Трухов, А. И. Маляров. - М. : Академия, 2005. - 336 с.

2-мавзу: Қўйма деталларни лойиҳалаш

Режа:

1. Қўйма заготовкаларнинг девор қалинлиги ва қўйма мустаҳкамлиги.
2. Қўйма заготовкаларни шакллантириш.
3. Ўсимталарни йўқотиши.
4. Қўйма заготовкаларнинг ажралишини соддалаштириш.
5. Очиқ қўймалар.
6. Стержен қўллаб тайёрланадиган қўймалар.

Tаянч сўз ва иборалар


Қобиқ қолилларни (бўлинувчан, юпқа деворли), эрувчан моделларга қўйши усулида керамик суспензия, босим остида, марказдан қочма ва бошқа қўйши, вертикал холатда қўйши, қолип опока-контейнер

2.1. Девор қалинлиги ва қўйманинг пухталиги

Қўйма детал деворларининг кристалланиш шароити турлича бўлганлиги сабабли кўндаланг кесими бўйича нотекис пухталика эга бўлади. Қўйманинг сирт қатлами пухталиги юқори бўлади, чунки бу жойларда метал юқори тезликда совишидан майда кристалл структурага эга бўлади. Чўян қўймаларнинг сирт қатлами кўпроқ перлит ва цементитли структурага эга бўлади. Қўйманинг секин қотадиган ўртаси (ўзаги) кўпроқ феррит ва графитли структурали йирик кристалл тузилишга эга бўлади. Унда кўпинча дентрид кристаллар хосил бўлади ва бунинг натижасида киришиш раковиналари ҳамда говакликлар пайдо бўлади.

Девор қанча катта бўлса қўйманинг ўртаси (ўзаги) ва пўстлоғининг пухталиги орасидаги фарқ шунча катта бўлади, шунинг учун девор қалинлигини катталаштириш қўйма пухталигининг мустаҳкамлигини пропорционал равишда оширишга олиб келмайди (7.1-расм).

Шу сабабли ҳамда қўйманинг оғирлигини камайтириш учун қуйиш шароитидан келиб чиқсан холда қўйманинг деворларини энг кам бўлган қалинликда тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Қўйманинг зарур бўлган мустаҳкамлиги ва пухталигига қовурғалаш, рационал профилларни қўллаш, деталга бочкасимон, сферик, конуссимон ва шунга ўхшаш шаклларни бериш орқали эришиш мумкин. Шундай усул енгил конструкциядаги деталларни тайёрлашга олиб келади.




2.1-расм. Қўйма қотишмаларининг пухталиги

Қўйманинг шаклининг сифатига унинг сиртини ҳажмига нисбати ёки белгиланаган узунлиқда-периметри S ни кесим юзаси F га нисбати орқали тахминий баҳо бериш мумкин:

$$\mathfrak{U} = S / F$$

2.2-расмда а-в ларида қўйманинг қалинлигидаги бир неча катталикдаги кесимлари учун \mathfrak{U} нинг қийматлари келтирилган. Қалин шакллар (а, б кўринишлар) пухталиги ва оғирлиги бўйича мақсадга мувофиқ эмас. Ингичка деворли, шаклнинг перферицияси бўйича ривожлантирилган қўйма шакллар тўғридир (в кўриниш).

2.2-расмнинг г, д ларида оғир қўйма кўринишдаги рационал бўлмаган қўйма детал (г) ва юпқа девор кўринишидаги (д) рационал қўйма деталларга мисоллар кўрсатилган.



2.2-расм. Құйма деталларнинг шакллари

2.2. Шакллаш

Құйманинг конструкцияси қолип тайёрлашни соддалаштириш ва осонлаштириш керак. Ушбу шарт қуидагиларга бўлинади.


1. Модел қолипдан тўсиқсиз чиқиши зарур.
2. Стерженлар стержен яшигига эркин тайёрланиши зарур.
3. Стерженларнинг конфигурацияси ва уларни ўрнатиш қолипни йиғишга халақит бермаслиги зарур.

Ўсимталарни йўқотиши. Моделни қолипдан эркин чиқариб олиш учун шакл хосил қилинган участкаалрни кесиб олмаслиги мақсадида холатдаги модел сиртида моделнинг чиқиши йўналишига перпендикуляр ёки қия холатдаги ўсимталар-чизиқ ёки чуқурчалар бўлмаслиги керак.

2.3-расм а да чиқиқ схемаси кўрсатилган. Детал қия қовурғага эга, моделни қолипдан олишда (олишининг йўналиши қолипнинг бўлиниш-А сиртига перпендикуляр холатдаги штрих чизиқларда кўрсатилган) қовурғалар қолипнинг расмда кўрсатилган участкаларни қирқиб олади. Қириқимнинг олдини олиш мақсадида чиқариб олишга халақит қиласидиган моделнинг қисмини йиғиладиган ёки суриладиган қилиб тайёрлаш мумкин. Моделни қолипдан олишда ушбу қисмлари йиғилади ёки моделнинг ичига кириб туради, шундан кейин модел қолипдан чиқади. Бошқа яна бир усул бўйича қирқиб олинадиган участкаларни тўлдирадиган қилиб модел тайёрланади, бундай модел 2.3-расм б сида кўрсатилган шакл хосил қиласиди. Талаб қилинган конфигурацияга эса моделни олингандан кейин қолипга стерженларни ўрнатиб эришиш мумкин (2.3-расм, в).

Ушбу усулларнинг барчаси қолипни мураккаблаштиради ва қимматлаштиради. Деталга қирқиб олишни йўқотадиган конфигурацияни бериш мақсадга мувофиқдир. Бунга қўймада қовурғаларни моделни қолипдан


чиқарыб олиш йўналишига параллел холатда (2.3-расм, г) жойлаштириш орқали эришиш мумкин.



2.3-расм. Ўсимталар ва уларни йўқотиши

Қуймани лойиҳалашдаги деталнинг ажралиш сиртининг жойлашиши ва қолипга металл қуиши пайтида деталнинг холати тўғрисида аниқ тассавурга эга бўлиш зарур. Одатда деталнинг масъул сиртлари пастга қараган холда қуийлади, чунки қуйманинг пастки қисмларига нисбатан юқориги қисмларида метал, нисбатан, зичроқ ва сифатли бўлади. Деталнинг ажралиш сиртини белгилаб олиб, конструкциянинг барча элементларини кетма-кет кўриб чиқиш ва ўсимталарни йўқотиши зарур.


Бунга *соялар қоидаси* ёрдам беради. Деталнинг ажраладиган сиртига перпендикуляр холатда детал нур билан ёритилган деб фараз қилинади (7.3-расм, а). Соя тушган участкалар деталда ўсимта борлигидан далолат беради.



2.4-расм. Бобишканарни шакллашдаги ўсимталар

2.4-расм а-в да бобишканни шакллашдаги ўсимталарга мисол келтирилган (қолипдан модельни ечиб олиш йўналиши стрелка билан кўрсатилган), ўсимталарни йўқотиши усуллари 7.4-расм б да кўрсатилган.

Ўсимталар ҳар доим ҳам чизмада аниқ кўринмаслиги ва конструкторнинг дикқат марказидан қочиши мумкин. Аниқ бўлмаган ўсимтага мисол 7.5-расм а да келтирилган (узел қолип холатида кўрсатилган; ажратилган сирти A ҳарфи билан белгиланган).




2.5-расм. Ўсимталарни йўқотиши

Галтепнинг кутиси қолипнинг пастки қисмида ўлик хажмини хосил қиласди (расмда чизманинг давомида чизилган). Ушбу бурчакнинг шаклини кутининг вертикал деворини ажралиш сиртига давом эттириб ўзгартириш

мумкин. (2.5-расм, б) ёки ажралиш сирти деворининг галтел тугаган участкасигача суриш орқали эришиш мумкин; бундай холда оёқни ажралиш сиртигача давом эттириш зарур (2.5-расм, в).

Косали деталлар конструкциясида (2.5-расм, г) ўйик *m* нинг сирти қора деворга яқин жойлашган. Кўриб чиқилаётган моделда механик ишлов бериш учун *n* (2.5-расм, д) ўсимтани хосил қиласиди (расмда чизманинг давомида чизилган) ўсимтани қора сиртга нисбатан ўйиқни қўйим *h* қалинликда ўйиб ўқотиш мумкин бўлади (2.5-расм, е).


2.1-жадвалда машинасозликда кўплаб учрайдиган деталларнинг ўсимталари ва уларни йўқотишга мисоллар келтирилган.



2.3. Қолипни ажратиш

Қолипни тайёрлашни мураккаблаштирадиган қолипни қия ва поғонасимон сиртлар бўйича ажралишидан қочиш зарур.


Ричаг қолипини тайёрлаш учун (2.6-расм, а) поғонали ажратишни талаб қиласиди. Елкаларни бир текислакда жойлаштириш қолип тайёрлашни соддалаштиради (7.6-расм, б).



2.6-расм. Қолипнинг погонали ажралишини йўқотиш

Эгри чизиқли патрубкани (2.7-расм, а) бирлаштирадиган нуқталарнинг жойлаширишини бир оз узайтирадиган холда патрубканинг ўқини тўғрилаш (2.7-расм, б) орқали соддалаштириш мумкин, агар зарур бўлса, патрубканинг бирлашадиган нуқталарининг жойлашишини ўзгартирмасдан хам унга эришиш мумкин (2.7-расм, в).

2.7-расм г-е ларда марказдан қочирма насоси кириш патрубкасининг конструкциясини ўзгартириш мисол келтирилган. 7.7-расм е да келтирилган конструкция мақсадга мувофиқдир, у қуйманинг шаклини соддалаштириши билан биргаликда насосдаги гидравлик йўқотишларни камайтиради, суюқлик оқимидағи иккита бурилиш (7.7-расм г, д) ўрнига бита бурилиш хосил бўлади.



2.7-расм. Эгри чизиқли патрубкаларнинг шаклини соддалаштириш


2.4. Очиқ қуймалар. Стержен қўллаб шаклланадиган қуймалар

Очиқ қуймаларни модел бўйича стержендан фойланмасдан шакллаш мақсадга мувофиқ ўблади. Бундай холларда маҳсулот шаклига аниқ тўғри келадиган конфигурацияни моделлар хосил қиласди. Моделни қолипдан олишда бўшлиқда салбий из қолдиради (қуйма болван). Ушбу усулни қўллашнинг қатъий шарти шундан иборатки, яъни деталнинг ички бўшлиғида ўсимталар бўлмаслиги керак.

7.8-расм а да мисол тариқасида ички ўсимтанинг схемаси кўрсатилган. Детал бўшлиғида фланецга эга, моделни қолипдан олишда болван шикастланади.


Қуймада ички ўсимталар бўлса бўшлиқни хосил қилишнинг ягона йўли стержен қўллашдир. Бундай холда модел 2.8-расм б да кўрсатилагни каби из қолдиради. Қуйманинг ички бўшлигини стержен ёрдамида (2.8-расм, в) хосил қилинади.

Деталнинг ташқи қисмига фланецни жойлашириш орқали (2.8-расм, г) стерженсиз қуйма тайёрлаш мумкин бўлади.



2.8- расм. Ишчи сиртларни шакллаш

2.9-расмда кўп учрайдиган деталларни стерженсиз шакллашга мисоллар келтирилган.



2.9- расм. Стерженли ва стерженсиз шакллаш.

Деталларни ишлаб чиқаришни соддалаштириш ва арzonлаштиришга бўлган талаб ҳар доим ҳам деталнинг пухталиги ва мустаҳкамлиги ҳамда ишлатишнинг яхши шароитларига бўлган талабга мос келмайди.


Қопқоқнинг очиқ конструкциясини тайёрлаш (2.9 расм, б) стержен қўллаб шаклланадиган конструкцияга нисбатан (2.9 расм, а) осон бўлади. Бироқ кейинги конструкциянинг ташқи кўриниши чиройли, ташқи профилининг силлиқлиги машинага хизмат кўрсатишни осонлаштиради.

Каруселнинг очиқ конструкцияси (2.9- расм, м) содда, уни тайёрлаш анча арzon, бироқ стержен қўллаб тайёрланадиган қутисимон конструкция (2.9 расм, л) сезиларли даражада пухта ва мустаҳкамдир.


Бошқа ҳолларда унинг тескариси, яъни арzon конструкция пухта ва мустаҳкам бўлиши мумкин. Масалан, старженсиз шакл ҳосил қилинган подшипникнинг корпуси (2.9 расм, о).

Старженли конструкцияга (2.9 расм, п) пухта ва чиройлидир.

Қуйманинг ички бўшлиғини болванлар ёрдамида шакллаш болаваннинг чекли баландлиги билан чегараланади. Қолип аралашмаларининг одий таркибида пастки болаваннинг баландлиги $H < 0,8 S$, юқоригиси эса $h < 0,3$ с бўлишини тавсия қилинади, бу ерда S ва s – тегишли равища болван кўндаланг кесимининг узунлиги (2.10-расм). Мустаҳкамлиги оширилган қолипларда (бентонитли, маҳкамловчи таркибдаги қолип аралашмалари, сиртли - қуритилган кимёвий қотадиган қолиплар ва бошқ.) ҳамда машинали қолип тайёрлашда болаваннинг баландлигини янада 30-50 % га ошириш мумкин бўлади.



2.10-расм. Болван баландлигини аниқлаш



2.11-расм. Шаклнинг ички элементларини мустаҳкамлаш

Қўйма детал конструкциясида тор бўшлиқлар, кичик кесимли чуқур чўнтақлар (2.11-расм, а, в) бўлмаслиги керак. Бундай бўшлиқларга қолип аралашмасининг кириб бориши қийин бўлади, қолипда улар мустаҳкам бўлмаган устун ва тасмасимон t шаклни ҳосил қиласди, улар қолидан моделни олишда ва суюқ метални қолипга қўйишда осонлик билан бузилиб кетади.

Уларни йўқотиш 2.11 расм б, г ларда кўрсатилган.

Ўз - ўзини назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар

